

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил 5 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг очик сайёр суд мажлиси Навоий вилояти, Хатирчи тумани, Навбахор МФЙда яшовчи Ғ.Умаровнинг яшаш хонадониди бўлиб, раислик қилувчи судья Ш.Хасанов, девонхона мудирин Ю.Амировнинг котиблигида, Нуробод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Эшонқулов, судланувчи Иргашева Назира Таш қизи ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “EVICSIYA QOMUS” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Алламурадов ва жабрланувчи Умаров Ғафур Содиковичнинг иштирокида,

Иргашева Назира Таш қизи (Irgasheva Nazira Tash qizi), 1995 йил 20 март куни Пастдарғом туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Нуробод тумани, “Нурбулоқ” маҳалласида яшайди, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 10 октябрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи Иргашева Назира Таш қизига оид 1-1410-2501/180-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иргашева Назира Таш қизи ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, осон, тез ва мўмай даромад ортиришни кўзлаб, 2025 йил июнь ойидан Нуробод тумани, “Нурбулоқ” маҳалласи худудида жойлашган “Иссиқбулоқ санаторияси” МЧЖда электрофоресчи лавозимида ишлаб келиб, бу орқали бинога қонуний асосларда кириш ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда, 2025 йил 8 сентябрь куни соат 14:00да мазкур соғломлаштириш санаториясининг физиотерапия хонасида муолажа олаётган фуқаро Умаров Ғафур Содиковичнинг бир дона баҳоси 4.000.000 сўмлик “Samsung A-31” русумли телефон апаратини, Ғ.Умаров соғломлаштириш муолажаларини олиш билан банд бўлганлигидан фойдаланиб, яширин равишда “Samsung A-31” русумли телефон апаратини қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида судланувчи Н.Иргашева ва жабрланувчи Ғ.Умаров ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишени ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Суд мажлисида сўралган Иргашева Назира Таш қизи содир этган жиноий қилмишига тўлиқ иқроор ва пушаймон эканлигини, жабрланувчи Ғ.Умаровдан кечирим сўраб, у билан ўзаро ярашганлигини, ҳозирги кунда



жабрланувчи Ғ.Умаровни унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини, ўрталарида моддий зарарлар мавжуд эмаслигини баён қилиб, жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Умаров Ғафур Содиковични судланувчи Н.Иргашевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ярашганлигини, ўрталарида ҳеч қандай зарарлар йўқлигини, ўз ихтиёри билан ярашганлигини, унга четдан ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини баён қилиб, мазкур жиноят ишини ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатишни сўраб кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган.

Суд, судланувчи Иргашева Назира Таш қизи ва жабрланувчи Умаров Ғафур Содиковичлар бир-бирлари билан ярашганликлари ва ўрталарида ҳеч қандай моддий ва маънавий зарарлар йўқлигини, Иргашева Назира Таш қизини муқаддам оғир ва ўта оғир жиноятни содир этмаганлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз ихтиёрлари билан бераётганликларини, уларга четдан ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганлигини инobatга олиб, ярашув тўғрисидаги суд баённомасини тасдиқлаб, Иргашева Назира Таш қизини содир этган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасининг таъсир доирасига тушишлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли Қарори талабларига риоя қилиб, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан судланувчи Иргашева Назира Таш қизининг айблилиги ҳақидаги масаласи ҳал қилинмасдан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт тарзидаги чорасини бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида жабрланувчи Умаров Ғафур Содиковичга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф қилинганлигини инobatга олишни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 (бир) дона “Samsung A-31” русумли телефон аппарати жабрланувчи Ғ.Умаровга тилхат орқали топширилганлигини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Умаров Ғафур Содиковичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586 моддаларига амал қилиб, суд-



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи Иргашева Назира Таш қизи (Irgasheva Nazira Tash qizi)га нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларни ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчи Умаров Ғафур Содиқовичга етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлиги инобатга олинсин.

Ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг, судланувчи Иргашева Назира Таш қизига нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 (бир) дона “Samsung A-31” русумли телефон аппарати жабрланувчи Ғ.Умаровга тилхат орқали топширилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Умаров Ғафур Содиқовичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлари тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон ушбу суд орқали ўн кун муддат ичида Самарқанд вилоят судига апелляция тартибида ёхуд ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида хусусий шикоят ёки прокурор хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья:

Ш.Хасанов

